

Атажанов М.М., Турсунов М.

Андижон давлат университети

ЎЗБЕКИСТОНДА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ТАРМОҚ ВА ҲУДУДИЙ ТАРКИБИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон саноатида машинасозликнинг тутган ўрни ва тармоқ ва ҳудудий таркибининг таомиллашуви масалалари баён қилинган.

Калим сўзлар: саноат, оғир саноат, машинасозлик, автомобилсозлик, модернизация, ихтинослашув, кооперация, маҳаллийлаштириш, қўйша корхоналар.

Атажанов М.М., Турсунов М.

Андижанский государственный университет

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОТРАСЛЕВОЙ И ТЕРРИТОРИАЛЬНОЙ СТРУКТУРЫ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация. В данной статье описывается роль машиностроения в промышленности Узбекистана и совершенствовании отраслевой и региональной структуры.

Ключевые слова: промышленность, тяжелая промышленность, машиностроение, автомобилестроение, модернизация, специализация, кооперация, локализация, совместные предприятия.

Atazhanov M.M., Tursunov M.

Andijan State University

IMPROVEMENT OF THE NETWORK AND TERRITORIAL COMPOSITION OF MECHANICAL ENGINEERING INDUSTRY IN UZBEKISTAN

Abstract. This article describes the role of mechanical engineering in the industry of Uzbekistan and the improvement of the network and regional structure


Keywords: *industry, heavy industry, engineering, automotive, modernization, specialization, cooperation, localization, joint ventures*

Кириш. Сўнгги йилларда мамлакат саноат тармоқлари таркибида бир қанча ўзгаришларни кўриш мумкин. Хусусан, саноат тармоқларининг янада парчаланиб янги-янги тармоқларнинг вужудга келиши, тармоқлар орасида интеграция жараёнларининг ривожланиши, тармоқлараро мажмуналарнинг шаклланиши, фан-техника ютуқлари билан бевосита боғлиқ бўлган тармоқларнинг тезроқ ривожланиш жараёни кузатилмоқда [2].

Асосий қисм. Машинасозлик республиканинг деярли барча минтақаларида тарқалган бўлса-да, улар бир қатор кўрсаткичлари бўйича худудий тафовутларга эга. Хусусан, мазкур тармоқ индустрисал минтақаларда ихтисослашган тармоқ сифатида шаклланган, айrim минтақаларда эса факат ички эҳтиёжлар учун хизмат қиласди. Шу билан бирга индустрисал минтақаларда шаклланган саноат комплексларининг кейинги тараққиётида машинасозлик таянч вазифасини бажариб, саноат тармоқларининг таркиби ва ихтисослашувини белгилаб бермоқда.

Маълумки, машинасозлик тармоқларининг жойланиши ва ривожланиши корхоналарнинг ихтисослашуви ва кооперациясига боғлиқ. Шунинг учун ҳам, уларнинг худудий ташкил этилишида географик ўрин, юқори малакали кадрлар, истеъмол, хом ашё каби омиллар муҳим ўрин тутади. Ҳозирги фан-техника тараққиёти даврида машинасозликнинг диверсификацияси саноатнинг чуқурихтисослашувига олиб келмоқда. Жумладан, Асака автомобиль заводи билан “Ўз Тонг Хонг Ко” (автомобиль ўриндиқлари), “Ўз Корам Ко” (автомобиль бамперлари), “Ўз Донг Янг Ко” (автомобиль ички безаклари), “Ўз Донг Вонг Ко” (автомобил глушителлари) “Ўз Донг Жу КО” (лак-бўёқлар), “Ўз Донг Янг КО” (салон бутловчи қисмлари), “Ўз-Донг Жу Пэйнт Ко” ҚҚ (автоэмаллар), “Ўз Донг

Янг Ко” ҚК (глушителлар), “Ўз Сэ Мюнг Ко” ҚК (ёнилғи баклари), “Ўз Коджи Ко” ҚК (электр жгутлари), “Автоойна” ОАЖ ҚК (автоойналар) каби кооперациялашган қўшма корхоналар жойлашган. Автомобилсозлик асосан мустақиллик йилларида шаклланди. Асака шаҳрида “GM Uzbekistan” қўшма корхонасида 1997 йил 64,9 минг дона енгил автомобиль ишлаб чиқарилган бўлса, 2010 йилда 220,3 минг донага етказилди. 2013 йилда эса 251,3 минг дона автомобиль ишлаб чиқарилди ва унинг ўсиш суръатлари 2010 йилга нисбатан 114,1 фоизни ташкил этди. 2016 йилда атиги 92,7 минг дона ишлаб чиқарилган бўлса, 2017 йилда 140 минг дона, 2020 йилда 280,0 минг дона, 2021 йилда эса 236,6 минг дона тайёрланди¹.



**1-расм. Ўзбекистонда автомобиллар ишлаб чиқариш динамикаси, минг дона
хисобида**

Бугунги кунда автомобилсозликни ривожлантириш ва хорижий сармояларни жалб этиш мақсадида “GM Uzbekistan” қўшма корхонаси учун бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар сони 50 тадан ортади.

Асака шаҳридаги “GM Uzbekistan” заводининг барпо этилиши нафақат Фарғона водийсида, балки бутун республикада ҳам ўзига хос янги ишлаб чиқариш ва таъминот тузилмаларининг пайдо бўлишига олиб

¹Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий ҳолати (Саноат)//Статистик ахборотнома. – Тошкент, 2022. – Б. 65. www.stat.uz.

келди. Хусусан, завод ва унинг атрофида вужудга келган янги корхоналар мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал қилишга ва ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсишига олиб келди.

Ўзбекистон хукумати “GM Uzbekistan” заводида автомобиллар ишлаб чиқаришнинг тўла циклига мувофиқ бош корхонада ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш 60 фоизга етади.

Республикадаги иккинчи автомобиль заводи 1999 йилда ишга туширилиб, ҳозирда Япония билан ҳамкорликдаги “Самавто” қўшма корхонаси автобуслар ва кичик ва ўрта классдаги юк автомобиллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлса, Германия билан ҳамкорликда “МАН” русумидаги оғир юк автомобиллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур заводда 2015 йил 754 дона автобуслар ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилда 908 та, 2021 йилда 1003 тани ташкил этди.

Хоразм вилоятида йилига 60 минг дона “Дамас” автомобиллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод ишга туширилди. Тошкент шаҳрида эса Германия компаниялари билан ҳамкорликда автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган “GM Povertrain Uzbekistan” қўшма корхонаси барпо этилиб, унда 2015 йилда 87,1 минг автомобиль двигателлари тайёрланган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 44,1 мингта, 2019 йилда 222,3 минг, 2021 йилда 160,4 мингтани ташкил этди. Жиззах шаҳрида автомобиллар учун аккумуляторлар ишлаб чиқариш ҳажми 2015 йилда 631,4 мингтани ташкил этган бўлса, 2016 йилда эса 611,7 минг дона, 2021 йилда 759,7 минг дона аккумулятор ва қўрғошинли аккумулятор батерейлари тайёрланди².

Мамлакатимизда 2021 йилда 71082 дона “Cobalt”, 31466 дона “Nexia T-250”, 51061 дона “Lacetti-Jentra”, 55068 дона “Damas”, 9915 дона “Spark”, 17308 дона “Labo” автомобиллари ишлаб чиқилди.

²Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати (Саноат)//Статистик ахборотнома. – Тошкент, 2022. – Б. 65. www.stat.uz.

Хулоса. Машинасозлик тармоғида модернизация ва диверсификация жараёнини жадаллаштириш, уларни янги замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, ташқи бозорда харидоргир экспорт товарлар ҳажмини кўпайтириш, маҳаллий хом ашё негизида қайта ишлаш корхоналари тизимини технологик жиҳатдан янгилаш ва товар қийматига эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ихтисослашувнинг барча турларини кооперация асосида ташкил этиш, аввало тайёр маҳсулот ихтисослашувига эътиборни кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, ҳудудлар минерал-хомашё ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, корхоналарни аҳоли зич жойлашган, шу билан бирга ишлаб чиқариш инфраструктура тизими ривожланган минтақаларда барпо этиш талаб этилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Солиев А.С. Ўзбекистон географияси (Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси).- Т.: Университет, 2014. – 404 б.
2. Солиев А.С. Ҳудудий мажмуаларнинг назарий асослари.-Т.:2007
3. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати (Саноат)//Статистик ахборотнома. – Тошкент, 2022. – Б. 65.
4. www.stat.uz.